

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 15-февралдан 20- февралгача)

№25

Тошкент – 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2016 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2016 йил 7 март душанба кунига кўчириш тўғрисида

Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 5 март шанба дам олиш куни 2016 йил 7 март душанба кунига кўчирилсин;

2016 йил 5 март шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Тошкент шаҳри,

2016 йил 12 февраль

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА – МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

2016 йил 9 февралда Президентимиз Ислон Каримов томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Давлат дастурида мамлакатимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 296,3 километрлик электр ва 307,5 километр газ таъминоти тармоқларини қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортиқ, жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 300,5 километрлик ичимлик суви тармоғини барпо этиш ҳисобидан аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом эттирилади. Умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1,7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда, 217 зал барпо этиш, ҳар бир

туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган камида биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (225 та), хусусан, 2016 йилда 15 шундай мактаб қуриш режалаштирилмоқда. Шунингдек, вилоят марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, чунончи, жорий йилда 5 мактаб фаолияти йўлга қўйилади, сузиш ҳавзалари тармоғини яна шундай кенгайтириш ҳисобидан 11 сув ҳавзаси қурилади, уларнинг умумий сони 290 тага етказилади.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси белгиланган.

2016 йилда 28 янги умумтаълим мактаби қуриш, 234 мактабни реконструкция қилиш ва 105 тасини капитал таъмирлаш, уларни янги ўқув мебели, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш ишлари бошланади. 1,6 мингдан зиёд мактаб компьютерлар, жумладан, интерфаол электрон доскалар билан жиҳозланади. 13 академик лицей ва 107 касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, уларни зарур ишлаб чиқариш ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилади. Бу борадаги ишлар ва янги ташаббусларни амалга оширишни изчил давом эттириш, шубҳасиз, мамлакатимизда шаклланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

“ЯГОНА ДАРЧА” МАРКАЗИДА БИР КУН

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға мувофиқ ташкил этилган бундай марказлар тадбиркорларнинг узоғини яқин, мушқулини осон қилмоқда. Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарлари ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган бундай марказларда тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги давлат хизмати кўрсатилаётир. Эндиликда тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтиш, инженерлик коммуникация тармоқларига уланиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, ташқи рекламани жойлаштириш, турар жойни нотурар жойға айлантириш каби масалалари бир жойда ҳал бўлади.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 575 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида 9 февраль куни улуг бобоқалонимиз таваллудининг 575 йиллиғига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, навоийшунос олимлар, адиб ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммадали Аҳмедов, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси раҳбари Зокиржон Машрабов, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакили М.Галланд, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист О.Галахов ва бошқалар Президент Ислон Каримов раҳнамолиғида алломаларимизнинг бебаҳо илмий, бадий, маърифий меросини ўрганиш, ёшларни барқамол, ватанпарвар, фидойи инсонлар этиб тарбиялашда кенг фойдаланиш борасида улкан ишлар

амалга ошириляётганини таъкидлади. Алишер Навоий мероси – бетакрорлиги, тарбиявий аҳамияти, инсонийлиги, ибратли жиҳати билан бутун инсоният учун кадрли. Мустақиллик шарофати билан буюк мутафаккир ижодини чуқур ўрганиш, асарларида тараннум этилган эзгу ғояларнинг аҳамиятини тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти томонидан улуғ шоирнинг 20 жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами» ҳамда 10 жилдлик жамланмалари кирилл ва лотин алифболарида нашр этилгани адабиёт мухлислари учун бебаҳо тухфа бўлди. Шоир ҳаёти, ижодининг барча қирралари қамраб олинган илмий асарлар, рисола ва монографиялар нашр этилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР ИЖОДИГА ОИД МАНБАЛАР ХАЗИНАСИ

Бобур халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси томонидан шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа улуғ алломаларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш, кенг тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг қадимий бой маданий мероси, бетакрор тарихий ёдгорликларимиз, миллий кадриятларимиз, айниқса, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни улуғлаш, улар томонидан яратилган бебаҳо асарларнинг илмий-тарихий аҳамиятини жаҳон жамоатчилигига етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни Бобур халқаро жамоат фонди фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Дунё илм-фани, маданияти, адабиёти ва санъати ривожига ўзларининг бой илмий мероси билан улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз қабр ва мақбаралари қайта тикланиб, ободонлаштирилди. Андижонда Боғи Бобур мажмуаси ҳамда Бобур Мирзонинг рамзий мақбараси барпо этилди. “Бобурнома” асари уч марта қайта нашр этилди. Ушбу асарнинг кирилл ва лотин алифболаридаги табдили, шунингдек, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари форс тилидан таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Бобур ва Ҳумоюн Мирзо ҳаёти ва фаолиятини акс эттирган Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асари ҳам она тилимизга ўгирилиб, “Ўзбекистон” нашриётида чоп

этилди. Шунингдек, турли тилларда яратилган “Гулбадан”, “Андижон шахзодаси”, “Бобур – йўлбарс” китоблари она тилимизда нашр этилгани китобхонларимизга ажойиб тухфа бўлди. “Бобур энциклопедияси”нинг яратилиши бобуршуносликдаги улкан ютуқлардан биридир.

ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкентда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан “Глобал тармоқда миллий мулоқот майдони – ёшларни ахборот хуружларидан асраш омили” мавзuidaги давра суҳбати ўтказилди. Партия сиёсий кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бугун мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Ёшларни салбий таъсирлардан асраш, уларга ахборот олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида миллий ижтимоий тармоқлар ривожлантирилмоқда. Тадбир доирасида партиянинг расмий – www.adolat.uz сайтида ташкил этилган forum.adolat.uz форумининг тақдимот маросими ўтказилди. Ушбу форум орқали иштирокчилар юртимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириши, ўзаро фикрлашиши мумкин. Лойиҳа саволларга қисқа фурсатда, аниқ ва лўнда жавоб олиш шароитини яратиши билан ҳам аҳамиятлидир. Форумдаги “Ҳуқуқий маданият ҳақидаги тушунчангиз?”, “Йўлни асранг”, “Депутатлар фаолияти” каби мавзулар баҳс-мунозара ва теран фикрларга бойлиги билан ажралиб туради.

mu.gov.uz – адолат кўзгуси

“Тезкор жавоб учун миннатдорлик билдираман. Онлайн-хизмат аъло даражада ишламоқда”, “Сифат, тезлик ва аниқликка қойил қолиш керак...”

Бу фикрлар my.gov.uz, яъни Ягона интерактив давлат хизматлари порталига келиб тушган, унинг хизматларидан миннатдор бўлаётган юртдошларимизнинг фикрлари. Ушбу портал фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тезкорлик билан қабул қилиш ва тегишли органларга етказишда муҳим воситага айланди. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни асосида электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши учун янада кенг йўл очди. Бугунги кунда my.gov.uz олти юздан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, идора ва ташкилотни қамраб олган. Мурожаат этувчи ариза ёки шикоятининг мазмунига қараб уни тегишли органга жўнатиш имкониятига эга. Мурожаат онлайн тарзда, шу вақтнинг ўзида керакли жойга етиб боради. Фуқароларнинг идорама-идора юриши, қоғозбозлик, ортиқча сарф-харажатларга ҳожат йўқ. Фуқаролар ўзларини ўйлантираётган савол ёки муаммо юзасидан ўз вақтида жавоб олмақда. Ягона портал интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали доирасида, жумладан, «бир дарча» режимида фаолият кўрсатади. 2015 йилда my.gov.uz орқали 450 мингдан ортиқ мурожаат қабул қилинган. Уларнинг аксарияти, яъни 95 фоизи ечимини топган. 42 минг 800 тадбиркорлик субъекти мазкур порталда рўйхатга олинган. Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксарият қисми давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти, коммунал хизматлар билан боғлиқ. Порталда фуқаролар учун кенг қулайликлар яратилган. Давлат тили порталнинг асосий мулоқот тили ҳисобланади. Унда рус ва инглиз тилларидаги версиялар ҳам мавжуд.

ЯПОНИЯ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

2016 йилнинг 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Япония Фавқулотда ва Мухтор Элчиси Фумихико Като билан учрашув бўлиб ўтди. Сухбат давомида давлатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор жиҳатлари, Япония Бош вазирининг 2015 йил 24-26 октябрь кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан музокаралари чоғида эришилган

келишувларни амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Мулоқот чоғида жорий йилда режалаштирилган Ўзбекистон – Япония тадбирларининг амалий жиҳатлари, жумладан турли даражалардаги ташрифлар ва ҳамкорликнинг қўшма институтлари мажлисларининг муддатлари ҳамда ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга йўналтирилган икки томонлама ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН-АҚШ УЧРАШУВЛАРИ ЖАДВАЛИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

11 февраль куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Америка Қўшма Штатларининг фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Леора Спратленни қабул қилди. Сухбат давомида 19-21 январь кунлари Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган сиёсий маслаҳатлашувларнинг олтинчи раунди ҳамда бошқа учрашув ва музокаралар якунлари юзасидан фикр алмашилди. Учрашувда 2016 йилга мўлжалланган турли даражадаги Ўзбекистон-АҚШ учрашувлари жадвали ва кун тартиби муҳокама қилинди.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

2016 йилнинг 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Россия Федерациясининг фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев билан учрашув бўлиб ўтди. Сухбат давомида турли даражадаги бўлажак Ўзбекистон—Россия учрашувлари нуқтаи назаридан икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

2015 ЙИЛДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЯКУНЛАРИ

2016 йилнинг 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Латвия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Эдгарс Бондарс билан учрашув бўлиб ўтди. Сухбат давомида Ўзбекистон ва Латвиянинг 2015 йилдаги муносабатлари якунлари сарҳисоб қилинди ҳамда турли соҳалардаги ҳамкорликни жорий йилда ва истиқболда янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокама этилди. Шунингдек,

парламентлараро ва ташқи ишлар вазирликлари даражасидаги режалаштирилган учрашувлар ҳамда ҳамкорлик бўйича қўшма институтларнинг навбатдаги мажлислари жадвали ва кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

ШХТ МАТТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ДИРЕКТОРИ БИЛАН УЧРАШУВ

2016 йилнинг 9 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Евгений Сысоевни қабул қилди. Мулоқот давомида Абдулазиз Комилов Е.Сысоевни ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши қарорига биноан 3 йил муддатга қўмита директори лавозимига киришганлиги билан табриклади ҳамда терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда ШХТга аъзо давлатлар ҳамкорлигини таъминловчи асосий орган – МАТТ фаолиятига Ўзбекистон муҳим аҳамият қаратишини таъкидлади. Сухбат давомида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент саммитига тайёргарлик кўриш юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, МАТТ Ижроия қўмитасининг 2016 йилда ва истиқболдаги фаолиятининг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

ХОРИЖ ГРАНТИ

Ўзбекистон молия вазирлигининг расмий сайтида 2015 йилда Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган беғараз кўмак маблағлари тўғрисидаги маълумотлар [эълон қилинди](#). Унда ёзилишича, ўтган йилда умумий қиймати 231,1 миллион АҚШ долларига тенг 198 та хорижий грант жалб қилинган. Грантлар қуйидаги йўналишларга йўналтирилган.

— соғлиқни сақлаш (49 грант) — 108,7 млн. долл.

— таълим (53 грант) — 57,5 млн. долл.

— иқтисодиёт, молия бозори ва тадбиркорликни ривожлантириш (22 грант) - 21,6 млн. долл.

— ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва божхона органларини техник жиҳозлаш (4 грант) — 13,3 млн. долл.

— ижтимоий ҳимоя, маданият ва спортни ривожлантириш (25 грант) — 12,2 млн. долл.

— экология (9 грант) — 4,8 млн. долл.

— давлат бошқаруви органларини моддий техника билан таъминлаш ва институционал ривожлантириш (8 грант) — 3,5 млн долл.

— қишлоқ ва сув хўжалиги (8 грант) — 2,7 млн. долл.

— замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни киритиш (4 грант)- 2,2 млн. долл.

— бошқа йўналишлар (16 грант) — 4,6 млн. долл.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон делегациясининг Австрияга 2016 йил 24-27 январдаги сафари доирасида Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Австриянинг Атроф-мухит қўмитаси билан ҳамкорлик ҳақида келишув [имзоланди](#). Ҳужжат томонларнинг илғор технологиялар ва тажрибалар билан алмашиш, ходимлар салоҳиятини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва стандартларини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлигини назарда тутди. Ушбу ташрифнинг яна бир аҳамиятга эга натижаларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Австриянинг Eco World Styria Umwelttechnik Cluster GmbH кластери билан Ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши бўлди. Меморандумга кўра чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича лойиҳалар ва дастурлар, тадқиқотларни биргаликда амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, оқова сувларни тозалаш, муқобил энергетиканинг янги технологиялари татбиқ қилинади.

Есо World Styria кластери – АҚШнинг Калифорния штатидаги Кремний водийсига ўхшаш «Яшил технологиялар водийси» бўлиб, бу ерда экологик ва энергетик технологиялар соҳасида фаолият юритувчи кўп миқдорда инновацион компаниялар жойлашган. Бугунги кунда кластер корхоналарининг умумий обороти йилига 8,5 млрд еврони ташкил қилади.

ЯНА ИККИТА BOEING-787 DREAMLINER ОЛИБ КЕЛИНАДИ

Жорий йилнинг кузида ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита Boeing-787 Dreamliner самолёти олиб келинади. 2015 йилда миллий авиакомпания ҳаво лайнерларида 23 минг 269 қатнов амалга оширилган. Авиакомпания хизматларидан 2 миллион 572 минг 289 йўловчи фойдаланган. Навоий шаҳридаги халқаро интермодал логистика марказидан Франкфурт, Милан, Вена, Дубай, Сеул, Шанхай, Ханой, Деҳли, Мумбай шаҳарларига юк қатновлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонасида самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш маркази очилди. Янги “Тошкент-4” йўловчи терминалининг қурилиши устида иш олиб борилмоқда.

ТЎРАҚЎРҒОН ТЭСИ ҚУРИЛИШИНING АСОСИЙ ПУДРАТЧИСИ

“Ўзбекэнерго” Тўрақўрғон ТЭСи қурилишининг асосий пудратчисини танлаш бўйича тендер яқунларини 2016 йил мартда эълон қилади. Лойиҳа яқин вақт ичида жадал босқичга киради. Бугунги кунда “Ўзбекэнерго” мутахассислари 94 га ҳудудда умумий қурилиш ишларини олиб бормоқда. Бир неча йилдан сўнг бу ерда иссиқлик электр станцияси қад кўтаради. Асосий тендерда 15 та номдор хорижий, шунингдек, бир қанча маҳаллий компания иштирок этмоқда.

ТРАНСФОРМАТОР ПОДСТАНЦИЯЛАРИ

Россиянинг “РЭП Холдинг” компанияси Ўзбекистонга икки комплект трансформатор подстанцияларини етказиб беради. “РЭП Холдинг” ва ERIELL Corporation Ўзбекистон жанубидаги газ-конденсат конларини қайта

жиҳозлаш лойиҳаси доирасида ушбу шартномани имзолашди. Етказиб бериладиган анжомлар 50 Гц частотали уч фазали ўзгарувчан ток энергиясини қабул қилиш, қайта ишлаш ва тақсимлашга мўлжалланади. Етказмалар 2016 йил иккинчи чорагида амалга оширилади.

ИККИТА ЯНГИ КОРХОНА

Ўзбекистоннинг чарм-пойабзал тармоғи 2016 йилда йилига 48,7 млн квадрат дециметр чарм ишлаб чиқарувчи иккита кўнчилик корхонаси билан тўлдирилади. «Ангрен» махсус индустриал худудида яратиладиган бу ишлаб чиқаришларга киритиладиган инвестициялар 2,1 млн долларни ташкил қилади. Март ойида ишга туширилладиган бу корхоналар эвазига «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг чарм ишлаб чиқариши ҳажми 10 фоизга ошади. Ўзбекистонда ҳар йили 12 млн дона чарм маҳсулоти, жумладан 8 млн дона майда ва 4 млн дона йирик шохли чорва териси тайёрланади. Уюшмага кирувчи 26 та терини қайта ишловчи корхоналар томонидан ҳар йили 500 млн квадрат дециметр чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда 2020 йилгача чарм ишлаб чиқариши ҳажми 581,9 квадрат дециметргача етади.

ХАЛҚАРО ТУРНИРДА 4 ТА МЕДАЛ

2-7 февраль кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари муносиб иштирок этиб, 1 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга [киритишди](#). Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига олтин медални Исроил Мадримов (-75 кг) келтирган бўлса, Сардор Музаффаров (-56 кг) ва Улуғбек Мубинов (+91 кг) финалга қадар кечган жанглари мағлубиятсиз ўтказиб, кумуш медаль совриндори бўлди. Терманинг яна бир вакили Жасурбек Латипов (-52 кг) бронза медали билан тақдирланди.

ХАЛҚАРО ТУРНИРДА 7 ТА МЕДАЛ

6-7 февраль кунлари Россиянинг Подольск шаҳрида юнон-рим кураши бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда иштирок этган 13 нафар

Ўзбекистонлик спортчидан 7 нафари совриндорлар сафидан ўрин эгаллади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Муҳаммадали Шамсиддинов (85 кг) – олтин, Феруз Тўхтаев (59 кг) – кумуш, Ислон Баҳромов (59 кг), Мирзабек Раҳматов (66 кг), Нурбек Хошимбеков (75 кг), Эрмат Шерматов (85 кг) ва Далер Раҳматов (130 кг) бронза медалига сазовор бўлган.

БЕЛЬГИЯЛИК ОЛИМЛАР ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонасида мамлакатни 2015 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси билан яқиндан танишдилар. Европарламент маслаҳатчиси Франк Швальба-Хот Ўзбекистонга бир неча марта ташриф буюргани ва ҳар сафар ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлганини таъкидлаб, “Ўзбек модели” иқтисодиётни модернизациялаш, саноатни диверсификациялаш, юқори технологияларга асосланган тармоқларни ривожлантириш йўлини тутиш нуқтаи назаридан кўпгина давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ишонч билан айтишим жоизки, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баравар оширишга эришилади. Мазкур жараёнда ўзбекистонликларнинг миллий ўзига хослиги, яъни ўз Ватанига бўлган чексиз муҳаббати ва садоқати катта ўрин тутди”, дея фикр билдирган.

Осиё тадқиқотлари Европа институтининг илмий ходими Себастьяно Мори эса ўз нутқида “Ўзбекистондаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни “децил коэффиценти” деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эгадир. Шу маънода, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингида Ўзбекистон дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани таҳсинга лойиқ”, дея алоҳида эътироф этган.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ САЛОҲИЯТ

Германиянинг Кёльн шаҳридаги Авиация ва космонавтика маркази (“DLR”)да муқобил энергия манбалари бўйича Ўзбекистон салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Франкфуртдаги дипломатия миссияси ва “DLR” ҳамкорлигидаги ташкил этилган тадбирда “TSK FLAGSO”, “CPS Services GmbH” ҳамда “DCSP” сингари етакчи энергетика компаниялари раҳбарлари, Германиянинг илғор тадқиқот институтлари ва ЎзР ФА “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси делегацияси иштирок этди. Тақдимотда мамлакатимизнинг муқобил энергия борасидаги имкониятлари ҳақида маълумотлар берилди. Анжуманда доирасида Ўз ФА, Дрезден техника университети ва Немис аэрокосмик марказининг Қуёш энергияси бўйича тадқиқотлар олиб бориш институти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда қуёш энергияси бўйича биргаликда тадқиқотлар” лойиҳаси борасида ҳам ўзаро-фикр алмашилди. Германиялик мутахассислар мамлакатимизнинг бу борадаги табиий ва техник имкониятларини юқори баҳолаб, келажакда ҳамкорликдаги лойиҳаларни янада ривожлантиришдан ҳар иккала томон ҳам бирдек манфаатли эканини таъкидлашди.

Маълумот учун: Авиация ва космонавтика марказида (“DLR”) – Германия космик, энергетика ва транспорт бўйича тадқиқотлар миллий маркази бўлиб, кенг доирадаги ички ҳамда халқаро тадқиқот лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этади. Марказнинг Германиядаги 16 та институти ҳамда Брюссель, Париж, Вашингтон ва Токиодаги идораларида 8 минг нафардан зиёд ходим фаолият юритади. Ташкилотнинг 2014 йилдаги бюджети 871 миллион еврони ташкил этди.

УЧТА САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон вакиллари 2016 йилда Россияда учта сайёҳлик кўرғазмасида иштирок этадилар. Ўзбекистон миллий стенди Москвада 23-26 мартда бўлиб ўтадиган 23-Москва халқаро кўрғазмаси МИТТ-2016 да ва 19-22 мартда бўлиб ўтадиган «Интермаркет» халқаро сайёҳлик кўрғазмасида жойлаштирилади. Шунингдек, Ўзбекистон компанияларининг умумий экспозицияси

Хабаровскда 22-25 сентябрда бўлиб ўтадиган «Тур Экспо Сервис-2016» кўргазмасида ҳам жойлаштирилади. Ўз навбатида Тошкентда 18-19 апрелда 14-Халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтади, октябрда эса «Ипак йўлида сайёҳлик» 22-Халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказилиши режалаштирилган. «Ўзбектуризм» матбуот хизматининг тахминича, бу тадбирларда Россия компанияларининг кенг иштирок этиши режалаштирилмоқда. 2015 йил октябрда бўлиб ўтган «Ипак йўлида сайёҳлик» ярмаркасида Россиядан 25 та сайёҳлик компанияси иштирок этганди. Россия бу тадбирда илк бор фахрий меҳмон бўлган. Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги сайёҳлик алмашуви барқарор ривожланиб бормоқда, бироқ охириги вақтда сайёҳлик оқими пасайгани кузатилмоқда. Ростуризм маълумотларига кўра, Россиядан Ўзбекистонга сафарлар сони 2014 йилда 2,5 млн дан ошган, Россиядан Ўзбекистонга 127 мингта кириш қайд қилинган. Ўзбекистоннинг ҳисоб-китобларига кўра, россиялик сайёҳларнинг ғарб йўналишидан бошқа йўналишларга қайта ориентацияланиши уларга Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятини баҳолашга имкон беради.

РОССИЯНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ОЛИМИ

Россиянинг Левада-центр социологик маркази Фан кунига бағишланган сўровнома ўтказди. Унда иштирок этганлар Россиянинг энг нуфузли ва машҳур олимларини [танлашди](#). Дмитрий Менделеев руслардан чиққан энг буюк олимдир (23 фоиз овоз тўплади). 18 фоиз респондентларнинг фикрича, бу номга Михаил Ломоносов муносиб. Яна 12 фоиз киши Сергей Королёвни тилга олди. Иштирокчиларнинг 67 фоизи саволга жавоб бера олмади. Энг буюк тарихчилар рўйхатидан эса иштирокчилар Николай Карамзинни танлашди (17 фоиз). Иккинчи ўринни Василий Ключевский ва Сергей Соловьёв бўлишиб олишди (6 фоиздан). Учинчи ўринда Лев Гумилёв турибди (3 фоиз). Респондентларнинг 65 фоизи саволга жавоб бера олмади.

РОССИЯ ВА АҚШ ЯНА БИР БОР СОВУҚ УРУШ ҲОЛАТИДА

Россия бош вазири Дмитрий Медведевнинг маълум қилишича, «Россия ва НАТО давлатлари ўзаро янги совуқ урушни бошлашди». Унинг сўзларига кўра, халқаро ҳамжамият мавжуд зиддиятлар даврида ўзаро ҳамкорликнинг

аҳамиятини тўғри тушинишлари ва бу ҳамкорликни «учинчи дунё давлатларини ларзага солиш» эвазига олиб боришлари керак эмас. «Деярли ҳар куни бизни НАТО учун, ёки Европадаги ёки Америкадаги давлатлар учун таҳдид солаётганликда айблашади. Турли кўрқинчли фильмлар ишлашади ва бу фильмларда россияликлар ядро уруши бошлаётгани кўрсатилади. Баъзида ўйлаб қоламанки, биз 2016 йилда мизми ёки 1962 йилда?», деди у Мюнхендаги конференция вақтида. Унинг айтишича, Россия ва Ғарб давлатларининг Европа ва Атлантика ҳудуди хавфсизлиги бўйича мулоқотга киришиши дунёдаги глобал беқарорлик барҳам топишини таъминлайди.

Ўз чиқишида Медведев Россия ва Ғарб ўртасидаги муносабатларни илиқлаштириш ва ҳамкорликни тиклашга чақирган. У Рим папаси Франциск ва партиарх Кириллнинг 12 февралдаги учрашувини «муносабатларнинг илиқлаша бошлаши» сифатида баҳолаб ўтган. Собиқ Иттифоқ қулагач, Россия ва НАТО ўртасида хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масалаларни муҳокама этиш учун кенгаш тузилганди. Аммо бу кенгаш 2014 йилда Қримнинг Россияга қўшиб олинисидан кейин фаолиятини тўхтатди. 13 февраль куни НАТО бош қотиби Йенс Столтенберг Россия ТИВ раҳбари Сергей Лавров билан бу кенгаш фаолиятини тиклаш имкониятларини кўриб чиқиш бўйича келишувга эришгани ҳақида маълум қилганди.

АТЛАНТИКА ОКЕАНИ АТМОСФЕРАСИ

Жанубий Америка ва Европа ўртасида, Атлантика океани осмонида кунига 1000 га яқин самолёт учиб ўтади. Бу дунёдаги энг серқатнов ҳаво йўлларида бири ҳисобланади. Британиялик атмосферишунос олим Паул Вилламснинг фикрига кўра, рейсларда вақтни тежаш учун ишлатилаётган реактив ёқилғи атмосфера қатламига оддий ёқилғига нисбатан анча кўп зарар етказиб, атмосферада хавонинг исишига таъсир кўрсатмоқда. Олимларнинг фикрича, қиш фаслида шамолнинг тезлиги ошмоқда. Бунга сабаб ер ва атмосфера қатламининг ҳарорати ошиб кетаётганлигидадир.

ТОЛИБОНЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ УЧУН ҚЎШИМЧА КУЧЛАР

АҚШ ҳукумати Афғонистондаги «Толибон» жангариларига қарши кураш доирасидаги ҳаракатларини кенгайтириш мақсадида бу мамлакатдаги ҳарбий контингенти миқдорини оширади. Бу қарорга жангариларнинг маҳаллий ҳукуматга қарши курашда устунликка эриша бошлагани сабаб бўлмоқда. Америкалик ҳарбийлардан иборат бир батальон февраль ойи охирида Афғонистоннинг Ғилмон вилоятига жойлаштирилади. «Толибон» бу вилоятда америкалик ва британиялик ҳарбийлар бўлишига қарамасдан ҳудудни эгаллаб олишни режалаштирган ва бу ҳудудда етиштириладиган гиёҳванд моддалар назоратини қўлга олишни мўлжаллаган. Жангарилар айтилган вақтда вилоят маркази Сангинни деярли эгаллаб бўлишгнни айтилади. Афғонистон ҳукумати билан янги келишувга кўра, АҚШ ҳарбийлари ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмайди ва маҳаллий ҳарбийларни жангларга тайёрлаш билан шуғулланади. Охириги ойларда Афғонистонда вазият оғирлашмоқда. «Толибон» жангарилари мамлакат шимолидаги ҳудудларида таъсирини кенгайтирган.

СУРИЯ АРМИЯСИ ТУРКИЯ ЧЕГАРАСИГА ЯҚИНЛАШДИ

Сурия ҳарбийлари Туркия чегараси томон яқинлашишда давом этмоқда. Россиянинг ҳаводан қўллаб-қувватлаши ва эронлик ҳарбийларнинг кўмаги билан Асад армияси ҳукуматга қарши исёнчилар 5 йил давомида эришган барча ютуқларни йўққа чиқармоқда. Суриялик ҳарбийлар ва уларнинг эронлик иттифоқчилари ҳозирда Туркия чегарасидан 25 км узоқликда турибди. Исёнчилар хабарига кўра, ҳукумат армияси сўнгги 2 йилда ҳаводан Россия ва қуруқликда эронлик ҳарбийларнинг кўмаги билан кучайиб кетган. Натижада исёнчилар кундан кун жанггариларини ва эгаллаган ҳудудларини бой беришмоқда.

ТУРКИЯ ЁКИ КУРДЛАР

Туркия президенти Режеп Тайип Эрдоғон, АҚШнинг ДАИШга қарши кураш халқаро коалицияси махсус вакили Бретт Макгурк бошчилигидаги делегациянинг курдлар бошқарувидаги Суриянинг Кобани шаҳрига ташрифидан норози бўлган. Туркия ҳукумати Курдларнинг ўзини мудофаа қилувчи гуруҳи ташкилотининг, Женевадаги БМТ шафелигида бўлиб

ўтаётган Сурияда барқарорликни ўрнатиш масаласидаги музокараларда иштирокига қатъий қаршилигини билирди ва ушбу музокараларга бойкот эълон қилишни маълум қилди. “У (Макгурк) Женевадаги музокаралар вақтида Кобанига келди ва курдлар генерали фахрий нишони билан тақдирланди. Биз қандай қилиб унга ишонишимиз мумкин? Бизлардан қайси биримиз сизларнинг ҳамкорингизми: менми ёки Кобанидаги террорчиларми?”, — дея Вашингтонга қарата савол берган Туркия президенти самолётда Лотин Америкасига сафари давомида ҳамроҳлик қилаётган журналистга берган интервьюсида. АҚШ бошчилигидаги ДАИШга қарши халқаро коалиция, Анқара Курдлар ишчи партиясини террорчи ташкилот деб ҳисоблаётган бир пайтда, курдларни яқиндан қўллаб-қувватлади. “Сизлар (АҚШ) Курдлар ишчи партиясини террорчи ташкилот деб биласиз. Унда нима учун террорчи ташкилотлар рўйхатига Курдларнинг ўзини мудофаа қилувчи гуруҳини киритмайсизлар?”,- дея иккинчи саволни берган Эрдўғон.

МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР УЧУН СЕЙСМОМЕТР ЯРАТИЛДИ

Калифорния университети олимлари мобил телефонлар учун ўрнатиш мумкин бўлган ер қимирлашини кўрсатувчи илова яратишди. MyShake деб номланувчи дастур ер қимирлашини сумкада ёки чўнтакда бўлганда ҳам сезар экан. Ер силкиниши мобил фойдаланувчи турган жойга зилзила марказидан етиб келгунча бўлган вақтда (сонияларда), сейсмометр иловаси фойдаланувчига тезда пана жой топиш лозимлигини етказди. Олимларнинг яратган ишланмаси ер силкинишини бошқа сунъий силкинишлар, яъни смартфонлардаги акселерометрлар қайд қилувчи ҳолатлардан фарқлай олар экан. 5 балли ер қимирлашини сейсмометр дастури 10 километр узоқликдан аниқлай олар экан. Синовларда мазкур ҳолатларнинг 93 фоизида аниқ натижани кўрсатган.